

«Ўзтемирийўлназорат»  
инспекцияси бошлигининг  
20 д ийл "Оз сенергебр"  
ХБ-1316 сон буйругига 16 илова

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг  
Норматив-технологик бўлими тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда “Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси деб аталади) Норматив-технологик бўлимининг (кейинги ўринларда ГИН бўлими деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, хукуклари, жавобгарлигини, шунингдек бўлим бошлигининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. ГИН бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда Транспорт вазирлиги деб аталади) буйруқ ва қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

**2-боб. ГИН бўлимининг вазифалари ва функциялари**

3. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

бўлимга юкланган вазифа ва функцияларни “Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси марказий аппаратининг тузилмавий бўлинмалари, худудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти билан бирга самарали амалга оширилишни таъминлаш;

“Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси марказий аппаратининг тузилмавий бўлинмалари, худудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти билан бирга темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни ташкил этиш ва таъминлаш;

бўлим ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан “Ўзтемирийўлназорат” инспекциясининг юқори турувчи ва бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро алоқасини таъминлаш;

инспекциянинг идоравий мансуб ташкилотларини ривожлантиришга ва уларнинг ривожланиш истиқболларини белгилашга кўмаклашиш;

марказий аппаратнинг тузилмавий бўлинмалари, худудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилот билан биргаликда темир йўл транспортида ташишлар хавфсизлигини

таъминлаш, ҳаракатланувчи таркибни, темир йўл транспортининг техник воситаларини сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар ҳамда техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиши ташкил этиш ва таъминлаш;

темир йўлда ташишлар хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш ва ҳалқаро ташкилотларда Транспорт вазирлиги манфаатларини ифода этишни таъминлашда иштирок этиш.

4. ГИН бўлими ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатлари доирасида «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жихатдан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, Транспорт вазирлигининг буйруқлари ва қарорларининг ГИН бўлими фаолиятига таллуқли қисми бўйича ижросини таъминлайди;

хужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомига риоя қилиш, ижро интизомини назорат қилиш бўйича [Ijro.gov.uz](http://Ijro.gov.uz) ягона тизимиға келиб тушган ҳужжатлар билан ўз вақтида танишиб чиқиш ва уни расмийлаштириши, комплекс амалий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси бошлиғи ва унинг ўринбосари буйруқлари ва фармойишларини бажаради;

марказий аппаратнинг тузилмавий бўлинмалари, ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилот билан биргаликда «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан Транспорт вазирлигига киритиладиган ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини белгиланган тартибда таъминлайди;

марказий аппаратнинг тузилмавий бўлинмалари, ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилот билан биргаликда «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси раҳбарияти учун бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан темир йўл тармоғини ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилишда иштирок этади

тадбиркорлик субъектларига ГИН бўлими ваколатларига кирадиган масалалар бўйича ахборот, услубий, ташкилий ва маслаҳат ёрдами кўрсатади;

зарурат бўлганида марказий аппаратнинг тузилмавий бўлинмалари, ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилот билан биргаликда «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси ваколатига кирадиган оператив, ташкилий, кадрлар масалалари, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал этишда иштирок этади;

темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатланувчи таркибни, темир йўл транспортининг техник воситаларини сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар ҳамда техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

марказий аппаратнинг тузилмавий бўлинмалари, ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилот билан биргаликда

темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-хуқукий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси раҳбариятига киритилишини ташкил этади ва таъминлайди;

темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, норматив-хуқукий баъзани такомиллаштириш, темир йўллардан техник фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар ишида, конференциялар ва семинарларда иштирок этади;

ГИН бўлими ваколатларига кирадиган масалалар бўйича идоралараро кенгашлар, комиссиялар, ишчи гурухлар ишида иштирок этади;

ГИН бўлими ваколатларига кирадиган масалалар бўйича темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилишлар, семинарлар ташкил этади ва ўтказади;

ГИН бўлими ваколатларига кирадиган масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини таъминлайди;

ГИН бўлими фаолиятига таалуқли бўлган, инспекция раҳбарияти билан олдиндан келишилган маълумотларни кейинчалик «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг веб-сайти ва Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар Хукумат порталида (кейинги ўринларда Портал деб аталади) жойлаштириш учун ўз вақтида тақдим қилинишини таъминлайди;

ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилишини, ijro.gov.uz ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимиға келиб тушган хужжатлар билан ўз вақтида танишиш ва бажаришни таъминлайди.

### **3-боб. ГИН бўлимининг хуқуқлари ва жавобгарлиги**

5. ГИН бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун куйидаги хуқуқларга эга:

«Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилотларидан таҳлил этиш ва масалаларни қайta ишлап учун зарур материаллар ва маълумотларни, шунингдек, «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган норматив-хуқукий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;

зарур бўлганда, «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-хуқукий хужжатлар ҳамда бошқа хужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашда «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этишни таъминлаш, ушбу мақсадлар учун эксперт ҳамда ишчи гурухларни ташкил этишни таъминлаш;

«Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси ваколати соҳасидаги асосий муаммоларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссия ва кенгашларда иштирок этиш;

«Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилотидан киритилган норматив-хуқукий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини қайta ишлаб чиқишни талаб этиш, зарур бўлганда, қайta ишлаб чиқиш учун қайтариш;

ГИН бўлими ваколатларига кирадиган масалалар бўйича «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш.

## **6. ГИН бўлими:**

ГИН бўлимига юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

бўлим фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича ГИН бўлимиининг ишини ташкил этиш;

марказий аппарат бўлинмалари, худудий филиаллар ва идоравий мансуб ташкилот билан биргаликда Транспорт вазирлигига кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритиладиган норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқиш сифати;

ГИН бўлими фаолиятига таалуқли бўлган, инспекция раҳбарияти билан олдиндан келишилган маълумотларни кейинчалик «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг веб-сайти ва Ўзбекистон Республикасининг очик маълумотлар Хукумат порталида (кейинги ўринларда Портал деб аталади) жойлаштириш учун ўз вақтида тақдим қилиш;

ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилишини, [ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz) ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида келиб тушган ҳужжатлар билан ўз вақтида танишиш ва бажаришни таъминлаш учун масъулдир.

## **4-боб. ГИН бўлими бошлиғининг асосий функционал вазифалари**

7. Куйидагилар ГИН бўлими бошлиғининг асосий функционал вазифалари хисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

ГИН бўлими фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш;

ўз ваколатлари доирасида «Ўзтемирийўлназорат» инспекциясининг худудий филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ГИН бўлимининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ва ГИН бўлими томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлашга доир қўшимча чоралар кўриш бўйича «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси раҳбариятига таклифлар киритиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, ГИН бўлими ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг котибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

ГИН бўлими фаолиятига таалуқли бўлган «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси қарорларининг, «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиги ва унинг ўринбосари буйруклари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ГИН бўлими ишларининг ҳар чораклик режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ГИН бўлимига юкланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси ҳудудий филиаллари ва идоравий мансуб ташкилоти фаолиятига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

ГИН бўлими фаолияти масалалари юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси раҳбариятига киритиш;

ГИН бўлимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиги ўринбосарига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, лаёкати, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатлари юқори даражасининг кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

ГИН бўлими томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, ГИН бўлимида тайёрланган хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиги томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига катъий мувофиқ равишда Транспорт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси бошлигининг топшириғи бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини Транспорт вазирлигига ишлаб чиқишида иштирок этиш;

ГИН бўлими тақдим этилган таклифларни ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2014 йил 5 марта ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарлари харажатлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

ГИН бўлими ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш;

ГИН бўлими ходимлари томонидан одоб-ахлоқ коидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ГИН бўлимида коррупция ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини

такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга кўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этиш, уларнинг фаолиятида «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси ходимларининг фаол иштирокини йўлга кўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

## **5-боб. ГИН бўлими бошлигининг жавобгарлиги**

### **8. ГИН бўлими бошлиғи:**

ГИН бўлимига юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 8-бандида белгиланган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.

Маълумот тақдим этганида:

инспекция веб-сайтида жойлаштириладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ўз вақтида шакллантирилиши;

инспекция веб-сайтида жойлаштириш учун тақдим этиладиган маълумотнинг мазмuni ва сифати;

тегишли маълумотни шакллантиришда миллий ва халқаро услубий стандартлар, тавсиялар ва уларнинг амалда қўлланилишини ўрганиш учун шахсан масъулдир.